УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
301199

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 9 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 51 (6639)

САХОВАТ — ОТАМЕРОС ФАЗИЛАТ

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, жамғармалар ва маҳалла қўмиталари раҳбарлари, ишбилармонлар ва барча обуначиларга Мурожаати

Мустақил тараққиётнинг тўртинчи йилига қадам қўйдик. Миллий анъаналар, урф-одатлар ва умуминсоний қадриятларга хосу мос ўз тараққиёт йўлимизни белгилаб олдик. Мустақил давлатимизнинг илк Президенти саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик сиёсати боис, ўзгаришлар даврининг табиий мураккабликларига қарамай, тарихан ғоят қисқа муддатда барча соҳаларда жиддий ўзгаришларга эришдик. Турмушимиз янги давлат учун муқаррар бўлган эврилишлар заминида аста-секинлик билан ўнгланиб бораётир.

Аммо шуни унутмаслик керакки, мустақиллик, энг аввало, маънавий тушунча: жаҳон харитасида Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлди, дунё лисонида ўзбек деган оҳорли калом мағрур жаранглямоқда. Бир сўз билан айтганда, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик. Бу дегани, бутун бир Ватан ва унда яшаётган турли халқларнинг эртанги куни, истиқболи билан боғлиқ улкан масъулият ҳам ўз зиммамизга тушди.

Биз сиёсий мустақилликни қўлга киритдик. Пировард мақсад эса иқтисодий мустақилликдир. Аммо бунга маънавий мустақилликсиз эришиб бўлмайди. Халқини, юртини чин дилдан сева оладиган, билимли, маданиятли, инсонийликни одат этган одамларгина бунёдкорлик, яратувчилик хислатларига эга бўла оладилар.

Тақир тупроқда майса кўкармаганидек, қоқ ерда ўз-ўзидан маънавий баркамоллик пайдо бўла қолмайди. Шукрлар бўлсинки, бой тарихий меросимиз, жаҳон илм-фани, маданияти хазинасини бойитган Хоразмий, Беруний, ас-Саолибий, ибн Сино, Фаробий, Фарғоний, Термизий, Исмоил Бухорий, Хожа Баҳоуддин, Хожа Аҳрор, Улуғбек, Атоий, Лутфий, Саккокий, Навоий ва Бобур каби улуғ аждодларимизнинг боқий маънавий меросларидан эндиликда ҳар бир фуқаро баҳраманд бўлмоқда. Бу беқиёс бойликларимиз, шу билан бирга жаҳон илм-фани, маданиятида эришилган ютуқлар биз учун, энг авало, ўз замонавий маънавиятимизни яратишда қутлуғ заминдир. Биз шу нарсани ҳам чуқур ҳис этамизки, ўтмиш маданий мероси, шонли ота-боболаримиз билан ғурурланиш, фахр-ифтихор қилиш билангина кифояланиш асл жавонмардлар учун фазилат эмас.

Зиммамизда ўтмиш меросидан сарафроз, замон ютуқларидан зийнатли, истиқбол қуёшидан чароғон муносиб ҳаёт қуришдек улкан вазифа турибди. Ижтимоий ҳаётимизда ана шундай уйғунлик қарор топишига эришиш жумҳуриятимизда чоп этилаётган барча оммавий-ахборот воситалари — газета ва журналлар таҳририятлари фаолиятлари учун бош мезондир. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фуқаролар барча қатламларининг сиёсий-ижтимоий онгларини ошириш, маънавий-маърифий баркамолликка эришишлари борасида яқиндан кўмак бериш, ватанпарвар, элсевар ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш заҳматкаш журналистларимиз учун асосий мавзу вазифасини ўтамоқда. Улар ҳаётий ҳақиқат тамойилларига садоқат кўрсатиб, мамлакатимиз манфаатлари, фуқаролар эҳтиёжларидан келиб чиқиб қалам тебратмоқдалар.

Маликулкалом ҳазрат Алишер Навоий

Агар огоҳ сен сен, шоҳ сен сен
Агар шоҳ сен сен, огоҳ сен сен, —

деб ёзган эдилар. Кенг маънода огоҳлик, барча воқеалардан бохабарлик ҳар бир инсонни ҳаёт ҳодисаларидан тўғри хулосалар чиқаришга, турмуш йўлларида адашмасликка ўргатади. Газета ва журналларнинг "огоҳлик" хизматлари беқиёс, албатта.

Афсуски, сўнгги йилларда газета ва журналларимизга обуна сони борган сари камайиб бормоқда.

Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, Президентимиз ва ҳукуматимиз иқтисодий тақчиллик шароитида газета ва журналлар таҳририятини бозор иқтисодиёти оқимига ташлаб қўяётгани йўқ. Қоғоз таъминоти масалаларини ҳукумат миқёсида ҳал этиб келаётир, Президентимиз Фармонига биноан, Республика матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Ўз вақтида кўрилаётган бу чора-тадбирлар нашрларимизнинг мунтазам чиқиб туришлари учун бир қадар имконият яратмоқда.

Шунга қарамай, ўзимизда қоғоз саноати ҳали йўлга қўйилмаганлиги, техник жиҳозлар тақчиллиги боис қоғоз нархи ва босмахона харажатлари сўнгги йилларда кескин юқорилаб кетди. Бу эса, ўз-ўзидан газета ва журналлар нархини ошириб юборди.

Бинобарин, якка обуначиларнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча нашрларга обуна бўлишлари бироз мушкуллашиб қолди. Очиғи, алоҳида нашрларга ёзилишга ҳам ҳамманинг қўли етавермайди. Ҳолбуки, халқимиз азал-азалдан илмга, маърифатга, маданиятга интилиб яшаган. Бир бурда нони ёнида бир бутун китоб турган. Одамларимизнинг китоб, газета ва журналлар ўқишга бўлган иштиёқи бугунги кунда ҳам аввалгидек баланд эканлигига ишончимиз комил.

Нима бўлганда ҳам, халқимизнинг маънавиятга дохил эҳтиёжини эътиборсиз қолдириш ножоиз. Ижтимоий ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётган Олий Мажлисга янги сайловлар муносабати билан номзодлар кўрсатилаётган бир пайтда оммавий-ахборот воситаларини ҳар тарафлама, хусусан обуна бўлиш орқали қўллаб-қувватлаш муҳим сиёсий масаладир.

Муҳтарам ҳокимлар!

Қадрли корхона ва ташкилот раҳбарлари!

Ҳурматли жамғармалар ва маҳаллалар раислари, ватанпарвар ишбилармонлар!

Биз сизларга мурожаат қиламиз!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чиндан бел боғлаган бўлсангиз,

Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тезроқ жорий этишга кўмак берай десангиз,

Халқларимиз ўртасидаги ўзаро аҳиллик, миллий тотувлик ва осойишталик бундан буён ҳам барқарор бўлишига ҳисса қўшай десангиз,

аҳоли барча қатламларини, хусусан ёш авлодни шонли боболаримиз яратган меросга муносиб, соғлом, билимли, маданиятли, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига тилакдош бўлсангиз

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ФУҚАРОЛАРНИ ЯККА ТАРТИБДА ВА ЖАМОА БЎЛИБ ОБУНА БЎЛИШЛАРИ УЧУН МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!

Сизнинг бу саховатингиз, ватанпарварлик ташаббусингизни халқимиз унутмайди. Мушкул пайтларда мадад бериш шарқона урф-одатимизга хос, ота-боболаримиздан мерос фазилатдир!

Саидмаҳмуд АКБАРОВ,
Республика Матбуот тарқатиш маркази бошлиғи.
Барот БОЙҚОБИЛОВ,
"Мулоқот" журнали бош муҳаррири.
Анвар ЖЎРАБОЕВ,
"Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири.
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири.
Тилаб МАҲМУДОВ,
"Гулистон" журнали бош муҳаррири.
Рубен САФАРОВ,
"Правда Востока" газетаси бош муҳаррири.
Азим СУЮН,
"Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири.
Ўткир ҲОШИМОВ,
"Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири.
Саъдулла ҲАКИМ,
"Маърифат" газетаси бош муҳаррири.
Ғаффор ҲОТАМОВ,
"Туркистон" газетаси бош муҳаррири.

Эртага — Жаҳон ёшлари куни

ЁШЛИГИМ — ҲАЁТИМНИНГ ЯШНОҚ ФАСЛИСАН...

Ёшлик! У инсон умрининг энг гўзал, энг жўшқин фаслидир. Ёшлик ўзи ошно бўлган ҳар кўнгилни баҳор янглиғ яшнатади, яшартиради. Яратувчилик, яшнатувчилик каби хислатлар ҳам айнан инсоннинг ёшлик даврларига хосдир.

Тошкент шаҳрининг А. Икромов туманидаги 297-мактабда Жаҳон ёшлари кунига бағишланган "Ёшлигим — олтин даврим" деб номланган адабий-мусиқали байрам базми ўтказилди. Бу тадбир А. Икромов тумани маданият бўлими мудири Музаффар Жаъфаров ташаббуси билан "Ўрикзор" маҳалла ёшлари ва мактаб жамоаси ҳамда ушбу мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамжиҳатлигида ўтказилди.

Кечада А. Икромов тумани ҳокими Осимхон Алихўжаев иштирок этиб, ёшларни ушбу байрам билан қизғин табриклади, уларни мустақил жумҳуриятимизнинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб етишишлари учун самимий тилаклар билдирди. Кечада туман Ёшлар иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Суръат Баҳромов, Ўзбекистон Маданият вазирлиги халқ ижодиёти бошқармаси раҳбари Сайфиддин Одилов, А. Икромов тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулаҳад Йўлчиев, халқ таълими мудирининг муовини Шоҳида Бердиева, "Ўрикзор" маҳалла қўмитаси раиси Раъногон Қосимова ҳамда шу маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Раъно Турсунхўжаева ва бошқалар иштирок этишди.

Байрам-базм ёшларнинг билим савияларини, дунёқарашларини, фикрлаш қобилиятларини синаб кўриш мақсадида кўрик-танлов кўринишида ўтди. Унда ёшлар "Истиқлол" ва "Субҳидам" гуруҳига бўлиниб беллашдилар. Беллашувда ўқувчи-ёшлар она шаҳримиз — Тошкентнинг тарихига оид саволларга жавоб бердилар, Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги ўзбек халқ мақолларининг айтишувида қатнашдилар. Халқ амалий санъати ҳамда нафосат соҳасидаги ижод маҳсулларини намойиш этишди, адабиёт ва санъат бобида ҳам зукколикларини кўрсатдилар.

Ушбу кўрик-танловда гуруҳ сардорлари Гулрух Сатторова ва Фаридахон Мирзаеванинг берилган саволларга тезкорлик ҳамда ҳозиржавоблик билан берган жавоблари ҳаммани қувонтирди. Шунингдек, Дилафруз Умарова, Моҳира Ҳамдамова, Гулрух Каримбекова, Гўзалхон Шодиева, Шамсиддин Муслимов, Нозимжон Султонмуродов ва бошқалар ўзларининг топқирликлари, адабиёт ва санъатга ўта иштиёқманд эканликлари билан кўпчиликни ҳушнуд этдилар.

Бу беллашувда ғолибликни "Истиқлол" гуруҳи қўлга киритди.

Ёшлик байрам-базмини файзли, тароватли ўтказишда Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйининг бир қатор санъаткор ёшлари, замонавий қўшиқларнинг "Анор" кўрик-танлови иштирокчилари Бахтиёр Султонов раҳбарлигидаги "Тошкент" гуруҳи, ёш ҳушовоз хонанда Азизбек Азизов ҳамда Бахтиёр Зокиров раҳбарлигидаги "Яхши ният" гуруҳи ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан қатнашдилар. Кечага ташриф буюрган 296-мактабнинг юқори синф ўқувчилари шоира Фарида Усмонова қаламига мансуб "Улфатлар" деб номланган ҳажвий ҳикоясидан кичик бир кўриниш орқали ёшларимиз орасида учрайдиган айрим салбий ҳодисаларни жуда ҳаётий кўрсатиб бердилар. Ёшларни байрам билан "Ўрикзор" худудидаги 591 ҳамда 603-болалар боғчаларининг жажжи тарбияланувчилари ҳам ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан муборакбод этдилар.

Кеча сўнггида беллашув иштирокчиларига А. Икромов тумани ҳокимияти ҳамда Ёшлар иттифоқи қўмитаси томонидан муносиб совғалар топширилди. Шунингдек, ушбу байрам-кечани ташкил этишда, уни файзли ўтказишда қатнашган "Ўрикзор" маҳалла фаолларига, 297-мактаб директори Сайёра опа Салимова бошлиқ мактаб жамоасига, шу мавзедаги 591 ва 603-болалар боғчалари жамоаси ва кичкинтойларига миннатдорчилик билдирилди.

Сайёра МУҲАММАДЖОНОВА,
журналист-ўқитувчи.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Фан ва техника давлат қўмитаси ва республика Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш муаммолари"га бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни республика халқ таълими вазирининг муовини Баҳром Қодиров бошқариб борди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев таълимда давлат стандарти моҳияти ҳақида сўзлади. Умумтаълим тизимида болаларимиз нимани ва қай даражада билиши керак, ҳамма билиши шарт бўлган тушунчалар, кўникма ва малакалар қай даражада бўлиши лозимлиги, давлат таълим стандартида ўқув мажмуаси ҳақида тушунча берди.

Анжуманда Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг директори, профессор Даврон Шодиев, республика Ҳунар таълими илмий тадқиқот институтининг директори муовини, педагогика фанлари доктори Пўлат Маъзумовларнинг "Умумий таълим стандартининг методологик асослари", "Ўзбекистон Республикасида ҳунар таълимини стандартлашнинг асосий йўналишлари" мавзуларидаги маърузалари тингланди ва муҳокама этилди.

Илмий-амалий анжуман иштирокчилари асосий йиғиндан сўнг шўъбаларга бўлиниб, давлат умумий таълим ва олий таълим стандартларини ишлаб чиқишга оид қирққа яқин маъруза тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Муҳокамалардан хулоса шу бўлдики, давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнини аниқ мақсадлар сари йўналтиради, пировард натижалар самарадорлигини оширади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти Ислом Турсунов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Суннатулла РИЗАЕВ.

ЁШ ШАХМАТЧИГА СОВҒА

Тошкентлик ёш шахматчи, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Рустам Қосимжоновга Америкада ишлаб чиқарилган ажойиб компьютер совға қилинди. Спортчига бу мукофотни 4 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан Республика Давлат Фан ва Техника Қўмитасининг раиси академик Пўлат Ҳабибуллаев топширди.

Рустам, шубҳасиз истеъдодли шахматчи. Унинг спорт соҳасида босиб ўтган йўлининг айрим босқичларини эслатиб ўтамиз: тўрт йил муқаддам 11 ёшлик ўсмир биринчи марта Ўзбекистон ёшлар чемпионати ғолиби бўлди. Икки йилдан сўнг биринчи тоифа шахматчилар республика мусобақасида катталар билан баравар беллашиб, учинчи ўринни эгаллади. Кўп вақт ўтмай Испанияда Халқаро болалар шахмат олимпиадасида қатнашди ва учинчи ўринни олди.

Ёш шахматчи учун бу йил айниқса омад келтирди. Баҳорда Рустам халқаро тоифадаги спорт устаси нормативини бажарди. Август ойида Венгриядан жаҳон ёшлари чемпионатидан бронза медал олиб

қайтди. Орадан бир неча кун ўтгач, Катарда 17 ёшга тўлмаган спортчиларнинг Осиё чемпионатида энг яхши натижа кўрсатди. Ҳозир унинг маҳорати 2390 рақами билан белгиланади. Қиёслаш учун айтиб ўтайлик: жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг маҳорати 2800 рақами билан белгиланади. Рустам Қосимжоновга совға қилинган "Ай Би-Эм" __ 386 компьютери хотирасида уч юз мингдан ортиқ шахмат ўйини жойлаштирилган. Бу "Каталог" асосан Анатолий Карпов раҳбарлигидаги ўқув гуруҳи жамоаси томонидан тузилган. Республика давлат фан-техника қўмитасининг жамоаси бу компьютерни сотиб олиб, ёш шахматчига совға қилибгина қолмай, истиқболли спортчини ўз оталиғига олди. Давлат қўмитасининг мутахассислари Рустамга компьютердан қандай фойдаланишни ҳам ўргатишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан спортчини Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев табриклади ҳамда унга ўқишда, спортда янги-янги муваффақиятлар тилади.

СУРАТДА: Р. Қосимжонов ўз компьютери билан.

(ЎзА мухбири).

ТУҲФА

Самарқанд чинни заводи маъмурияти Самарқанд шаҳридаги 59-ўрта махсус мактаб-интернатининг тарбияланувчилари учун минг сўмликдан зиёд ҳар хил турдаги чинни идишларни совға қилди. Бу мактаб-интернат ошхонасини чинни идишлар билан тўла-тўкис таъминлаш имкониятини берди. Шунингдек, 14-автобуслар саройи жамоаси ўқувчилар учун уч юз кишилик дастурхон ёзиб, ош тортдилар. Мактаб-интернат тарбияланувчилари, педагоглар ва хизматчилар учун Ургут туманидаги баҳаво, сўлим Омонқўтон тоғ тизмаларига бир кунлик саёҳатга бориш учун автобуслар ажратдилар. Бундан ташқари, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси ўттиз минг сўм миқдорида пул маблағи ажратиб, мактаб-интернатнинг бутун мураббийлари ва хизматчиларини бир ойлик маошлари миқдорида мукофотлади.

А. ҲАЙДАРОВ.

Очиқ мулоқот

ГАЗЕТХОНГА БЕШ САВОЛ

1. Газетамизга обуна бўлганмисиз, уни мунтазам ўқиб борасизми?

2. "Маърифат"да ёритилган қандай материаллар сизга маъқул бўлди, келгуси йилда газетада кўпроқ қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?

3. Газетамизда ёритилган расмий материаллар — раҳбарлик идораларининг таълим-тарбияга оид муҳим ҳужжатлари ва уларнинг тафсилотлари, ўқув режалари, дастурлари, тавсиялар, концепциялар ва бошқалар фаолиятингизда қандай ёрдам берди?

4. Саҳифаларимизда халқ таълими тизимидаги қандай янгиликлар, мактаб педагогларининг қандай илғор тажрибалари тўғрисида батафсил ёритилган материалларни ўқишни истайсиз?

5. "Маърифат" мундарижасини янада бойитиш, унинг материаллари таъсирчанлигини ошириш, газета саҳифаларини ўқувчига кўринишли қилиб чиқариш юзасидан танқид, таклиф ва истакларингиз?

ЎТТИЗ БИР ЙИЛДАН БЕРИ ЎҚИЙМАН

1. Газетага 1963 йил сентябридан бери обунаман. Энг яхши — зарур сонларни тўплаб бораяпман.

2. Газетанинг кейинги бир йилдаги фаолияти ва сифати менга жуда маъқул. Айниқса, мақолаларнинг кичик ҳажмда, мазмунли қилиб берилаётгани айни муддао. Хусусан таҳририятнинг хатларга муносабатдаги холислиги, ошкоралиги биз — газетхонларни хушнуд этмоқда.

3. Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган ўқув режалари, Дастурлар, Концепциялар, Устав, Низомларда халқ таълими тизимини янада яхшилаш, ва айниқса, мактаб раҳбарларига кенг ҳуқуқ бериш масаласи кўтарилган. Улардан оқилона фойдаланаётган бирор-бир мактаб директорининг иш фаолиятини батафсил ёритиш бу борада қатъиятли бўлмаган айрим раҳбарларга сабоқ бўларди.

4. Қайси йўл билан ўқувчиларнинг ахлоқий фазилатларини янада шакллантириш ва уларнинг билимини тағин ҳам чуқурлаштириш мумкин?

Ўқишга қизиқишини янада ошириш учун нималар қилиш керак? Яна бир муаммо. Хусусан қишлоқ шароитида кўргазмали қуроллар, техника воситалари етишмайди, саёҳатларга чиқиш ниҳоятда қийинлашиб бормоқда, замонавий заллар, хоналар, музей ва кўргазмалар йўқ, спорт қуроллари тақчил. Билим ўчоғи бўлган қутубхоналарга кейинги 3—4 йил ичида янги китоблар жуда кам келмоқда. Шу каби масалалар ҳам газета саҳифаларида ёритилса.

5. Қишлоқ ўқитувчи-ўқувчиларига, мактабларига кўпроқ ўрин берилиши, танқидий материаллар кўпайтирилиши, педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, таълим-тарбиядаги танловлар, қадриятларимиз, ўқитувчи меҳнати ва қувончи мавзуидаги мақолаларнинг мунтазам бериб борилиши газетани янада ўқишли чиқишини таъминлайди. Хусусан, маориф соҳасидан олий мукофотга сазовор бўлганларнинг иш фаолияти олдиндан ёритиб борилса. Чунки мукофотланганлар кўп ҳолларда тақдирланганларидан кейингина газета саҳифасига олиб чиқилаяпти. Юқоридаги мавзулар акс этса севимли газетамизнинг биз ўқитувчиларга нафи янада кўпроқ теккан бўларди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Касби тумани Бобур номидаги 31-ўрта мактабнинг 1-тоифали методист ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома 64595
Маърифат
(нашр номи) | Обуна сони
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга
(почта кўрсаткичи)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ
п. в. жойи
64595
(нашр кўрсаткичи)
Маърифат
(нашр номи)
Обунани яна манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони
Баҳоси | Сўм
19 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

«Маърифат» хабарлари

ЁШЛАРГА ДАЪВАТ

Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндур, —

деб даъват қилган эди миллатимиз фидойиларидан бири Аваз Ўтар. Лекин бу даъват сохта даъватлар ичра қолиб кетди.

Етмиш йиллик мустабид тузумнинг машъум пардалари бизни дунё бўсағасидан тўсиб турди. Бунинг оқибатида биз жуда кўп нарсани бой бердик. Ватанимизнинг мустақилликка эришуви жаҳонга юз тутмоқ имкониятларини-да очди. Лекин имконият ҳақиқатга айланмоғи учун бир неча мезонлар амалга ошиши керак. Ана шундай мезонлардан бири — тил билиш.

Республика ўқув-услубиёт маркази биносида Халқ таълими вазирлиги АҚШ нинг "Тинчлик корпуси" билан ҳамкорликда инглиз тилини ўргатиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда республикамиздаги инглиз тили ўқитувчилари қатнашди.

Икки кун давом этган бу анжуманда америкалик мутахассислар тил ўргатишнинг коммуникатив (мулоқот) усули, уни татбиқ қилиш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Қизиқарли маърузалар ўқитувчиларимизда катта таассурот қолдирди.

Анжуман ишида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Ричард Хогленлар қатнашишди.

А. ШОКИРОВ.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Иқтидорли болалар — она-Ўзбекистоннинг истиқболи, тоғлари, миллий ифтихори ва ғурури. Бунинг учун ҳозирданоқ уларнинг истак-майлини илғаб олиш ва фойдали касбга тўғри йўналтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Республика техник ижодиёти маркази жамоасининг ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида оммавий-ташкилий тадбирлар, турнир ва мусобақалар, фестиваллар ўтказилаётир. "Ёш техниклар ва ишбилармонлар" турнири ҳам шулар сирасига киради.

Пойтахтимиздаги 34-мактабда турнирнинг якуний қисми бўлиб ўтди. Унда финалга етиб келган Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Жиззах вилоятларидан ўқувчилар иштирок этишди.

Турнир қизиқарли ўтди. Ўқувчилар тадбирга катта тайёргарлик кўриб келганликлари маълум бўлди. Айниқса наманганлик ва сурхондарёлик ўқувчилар турнирнинг уч турига кўра берилган топшириқ ва вазифаларни меъёрига етказиб адо этдилар. Унда наманганликлар биринчи, сурхондарёликлар иккинчи ва хоразмликлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Ижодиёт маркази директори Т. Қорабоев ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва биллур идишлар топширди. Шунингдек, турнирнинг ҳар бир қатнашчисига қизиқарли китоблар совға қилинди.

Ғолибларни Улуғбек жамғармаси раиси биринчи муовини Ш. Эшмуҳаммедов, республика ёшлар иттифоқи Марказий қўмитаси котиби, болалар ва ўсмирлар уюшмаси раиси С. Шукурова, аэрокосмик федерацияси аъзоси, Бойқўнғир космодроми қурилиши фахрийси Л. А. Пенский, республика ўқув-методика маркази мактабдан ташқари ишлар бўйича инспектор Д. Асроров ва бошқалар қизғин қутлашди.

Ўз мухбиримиз.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институтида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши ва ўзбек атамашунослиги масалаларига бағишланган илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. Искандаров очиб, ўтган қисқа муддат ичида амалга оширилган ишлар, Фанлар академиясида атамашунослик билан боғлиқ бўлган муҳим тадбирлар, фан ва дарсликлардаги янгиликлар хусусида маъруза қилди.

Йиғилиш аҳли, олимлар, институтнинг илмий ходимлари, адиблар ва тарихчилар, давлат тили комиссиясининг аъзолари, маърузачилар ўз чиқишларида "Давлат тили ҳақида"ги Қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар бу борада эришилаётган ютуқлар, муаммо ва ечимини кутаётган масалаларга алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, муҳим масалани илмий ва амалий таҳлил этдилар.

Мухбиримиз.

Сулола

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

Аҳмаджон ака ўқитувчилик фаолиятини бошлаганида ўн тўққиз ёшда эди. Эндигина ёш ўқитувчи болаларга завқ-шавқ билан билим беришни бошлаган бир паллада уруш бошланиб, кўп қатори у ҳам жангга отланди.

Аҳмаджон Мамажонов армия сафидан қайтгач, севимли касбини давом эттирди. 72 ёшга кирган нуроний устоз ҳозир ҳам Наманган шаҳридаги 8-мактабда бошланғич синфларда дарс бериб келаётир.

— Болаларнинг кўнгли нозик бўлади,— дейди у.— Кўнглини топсангиз, айтганингизни қилади. Беш қўл баравар бўлмаганидек, баъзан ўжарлари ҳам учраб туради. Уларга ҳам ўзига яраша муомала қилиш керак. Айрим ёш ўқитувчилар болалар билан ўзаро тил тополмай, улар шахсиятига тегадилар ва охир-оқибат ўқишдан бездирадилар. Ваҳоланки, ўқитувчи бағри кенг, саховатли бўлса, кўзлаган мақсадига эришади...

Аҳмаджон аканинг илк шогирдлари ҳозирда нафақада. Отахон устоз эса ҳамон педагогик жамоанинг яқин маслаҳатгўйи сифатида фаолият кўрсатаётганидан мамнун. Яқинда у кишига "Жасорат" медали топширилди.

Унинг рафиқаси Маҳбуба ая ҳам кўп йил мактабда ишлади. Ҳозир у кексалик гаштини сурмоқда.

Отахон педагогнинг фарзандлари ҳам ота-оналари касбини танлашган. Уларнинг уч қизи рус тили ўқитувчисидир.

Маҳмуда Мамажонова Аҳмаджон аканинг ўртанча қизи. У Наманган шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги 41-ўрта мактабда 20 йилдан буён рус тилидан дарс бериб келмоқда. Ўтган ўқув йили у раҳбарлик қилган 11-синф ўқувчилари ҳаётга йўлланма олишди. Маҳмудахонни ҳамкасблари, ота-оналар ишчан, дилкаш ўқитувчи сифатида ҳурмат қилишади.

Суратқаш Турғунбек МАҲКАМОВ устоз Аҳмаджон Мамажонов хонадонидан олган ушбу лавҳада унинг оила аъзолари дастурхон атрофида акс эттирилган.

"Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови

МАҲОРАТ СИНОВИ

Республикамизда "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бундай танловларга қизиқиш йилдан-йилга ортиб, халқимиз ундан таълим-тарбия соҳасидаги ёрқин истеъдодларни билиб олишмоқда. Буни одамлар билан лиқ тўлган "Баҳор" концерт залида ўтказилган Тошкент шаҳар "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танловига йиғилганлар руҳидан ҳам билса бўларди.

Даставвал, туман ғолиблари — Собир Раҳимов туманидаги 134-мактаб ўқитувчиси Қундуз Дадамуратова, Акмал Икромов туманидаги 107-мактаб ўқитувчиси Гулнора Раҳматуллаева, Шайхонтоҳур туманидаги 234-мактаб муаллимаси Дилфуза Рустамова, Яккасарой туманидаги 176-мактаб ўқитувчиси Камола Абдувоҳидова, Сирғали туманидаги 237-мактаб муаллимаси Ҳури Абдувоҳидова, Миробод туманидаги 110-мактаб ўқитувчиси Зулфия Хўжаева, Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактаб муаллимаси Зарифа Исмоилова, Ҳамза туманидаги 307-мактаб ўқитувчиси Игорь Маҳмудов, Юнусобод туманидаги 265-мактаб муаллимаси Фотима Самиғова, Чилонзор туманидаги 195-мактаб ўқитувчиси Шафоат Набиева ҳамда Бектемир туманидаги 293-мактаб муаллимаси Ёқутхон Ёқубовалар шаҳримиздаги 84-мактаб ўқувчилари ҳузурида очиқ дарс беришиб, бу борадаги истеъдодларини намойиш этдилар. Шунингдек, улар тест синовларидан ўтиб, ижодий ишларини ҳимоя қилишди.

Иштирокчилар якунловчи босқичда педагогик маҳоратларини, санъат соҳасидаги иқтидорларини тиришқоқлик билан намоён этсалар-да, томошабинларда ҳайрат уйғотиш осон кечгани йўқ.

Мазкур беллашувда 134-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Қундуз Дадамуратова ғолиб чиқиб, республика кўрик-танловига йўлланма олди. 307-мактаб тарих фани ўқитувчиси Игорь Маҳмудов иккинчи, 110-мактаб таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар ўзбек тили ўқитувчиси Зулфия Хўжаевани учинчи ўринга муносиб деб топишди. Ҳомийлар барча иштирокчиларни хизматларига яраша тақдирлади.

М. ҚУРБОНБОЕВ.

ЯНГИЧА МЕЗОНЛАР АСОСИДА

Тошкент вилояти муаллимларининг "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танлови янгича мезонлар асосида ўтказилди. Беллашув аввалида туман ғолибларининг ўзлари танлаган мавзу бўйича ёзган ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан чуқур таҳлил қилинди. Сўнгра, ўқитувчи ва у ишлаётган синф ўқувчилари психодиагностик ҳамда тест синовларидан ўтказилди, муаллимнинг педагогик маҳорат қирралари аниқланди. Учинчи босқичда улар иш услуби бўйича ёзган ижодий ишини ҳимоя қилишди. Шу билан бирга Бекобод шаҳридаги 5-мактабда уларнинг нотаниш синфда ўзини ва ўқувчиларни бошқара билиш қобилиятлари, дарс ўтиш услублари баҳоланди. Хуллас, тўрттала босқичда ғолиблик учун баҳслашган 22 иштирокчидан 8 нафаригина якунловчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Якунловчи босқич Бекобод шаҳридаги Металлурглар саройида ўтказилди. Бунда танлов иштирокчилари яна бешта синовдан ўтишларига тўғри келди. Ўзини таништириш, педагогик вазият, менинг севган машғулотим топшириқларидан ташқари улар маҳоратини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда ВЎМОИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган мезонлар асосида яна иккита шарт қўйилган эди. Иштирокчилар ўткир зеҳнлилар шарти бўйича 10 та саволга ўша заҳотиёқ жавоб бериш, иккинчи шартда эса уларга уй вазифаси берилган бўлиб, ўзига хос кўргазмали қуроллар ясаш ва намойиш этиш талаби қўйилган эди. Ўткир зеҳнлилар шартидаги саволлар уларни бироз шошириб қўйган бўлса-да, белгиланган вазифалар тўла уддаланди.

Барча чигириқлардан муваффақиятли ўтган Оққўрғон тумани Ҳамза номидаги 6-лицей-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жамила Болтабоева ғолиб деб топилди. Ўз санъати билан томошабинлар меҳрини қозонган Янгийўл шаҳридаги 15-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Ваҳобжон Охунов иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса Паркент тумани 29-мактаб ўқитувчиси Гулнора Муҳаммаддиёровага насиб этди. Кўрик-танловни ўтказишда Бекобод шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда ҳомий ташкилотлар вакилларининг хизматлари катта бўлди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Халқ таълими жонкуярлари

ИЗДОШ

Набижон ака Махсумов Бешариқ туман халқ таълими бўлимига узлуксиз 32 йил раҳбарлик қилгач, қарилик нафақасига чиқди. Тумандагина эмас, балки Фарғона вилоятида ҳам мактаб ишини яхши билиши, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан танилган бу кекса маорифчини ҳамкасблари, ёр-биродарлари, жамоатчилик катта иззат-ҳурмат билан нафақага кузатишди. Бироқ кўпчилик олдида муаммо туғилди: халқ таълими бўлими мудирлигига кимни тайинлаш керак? Зотан, Бешариқ тумани таълим-тарбияни юксалтириш борасида узоқ йиллардан буён ўрнак бўлиб келаяпти. Жуда кўп қурилишлар, хайрли ишлар бошлаб қўйилган. Уларни ким давом эттира олади?

Туман ҳокими Нуъмонжон Мўминов бу борада кўпчилик билан маслаҳатлашди. У таниқли маорифчилар, мактаб директорлари ва фаол ўқитувчилар фикр-мулоҳазаларини, таклифларини умумлаштириб, бўлажак мудирни Набижон Махсумовнинг шогирдлари орасидан қидириш керак, деган тўхтамга келди. Негаки, Набижон ака узоқ йиллар давомида ўнлаб издошларини тарбиялади. Уларнинг кўпчилиги раҳбар, муаллим, умуман, ажойиб инсонлар бўлиб етишишган.

Ниҳоят, баъзи бир мунозаралардан сўнг Рапқон қишлоғидаги мактаб директори Ғуломиддин Розиқовни мудирлик лавозимига тайинлашга келишилди. Тумандаги нуфузли кишилар ҳам бу тутилган йўлни маъқуллашди. Набижон ака Махсумовнинг ҳам кўнгли тўқ бўлди. Негаки, Ғуломиддин ташаббускор ва ташкилотчи, вазмин ва қатъиятли эканлигини одамлар яхши билишади. Бундан ташқари, у мулоҳазали, етти ўлчаб бир кесади, туманда ҳам обрўли, палаги тоза инсон. У Рапқон қишлоғида жуда катта мактаб биносини қурдиришга эришди, муаллимларни саралаб олди, таълим-тарбияни қисқа муддатда туман бўйича юқори савияга кўтарди.

Вақтнинг тутими йўқ. Мана, Бешариқ туман халқ таълими бўлимига янги мудир тайинланганлигига ҳам бир йилдан ошди. Аммо шу қисқа даврда ҳам дуруст натижаларга эришилди. Ғуломиддин Розиқов устози бошлаган ишларни давом эттириш билан бир қаторда таълимни бошқаришга янгича услубда ёндашяпти. Аввало, мактаблар ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ҳаракатини бошлади. Товул қишлоғида 120 ўринли, Яккатут қишлоғида 160 ўринли мактаб қурилди. Шунингдек, яна учта ўқув даргоҳи учун янги бинолар қурилиши жадал равишда олиб бориляпти.

Туман мактабларида чет тилларни ўқитишга ҳам эътибор кучайтирилди. Айни даврда инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган боғча-гимназия очиляпти. Абу Али ибн Сино номли тиббиёт лицейида ҳам инглиз тили синфи ташкил қилинди.

Ўқув даргоҳларида тадбиркорлик орқали маблаг ишлаб топишни йўлга қўйиш ҳам мудирнинг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олган. Шоберди қишлоғидаги 4-боғча-мактаб эса бу борада намуна. Бу ерда етиштирилган мева-чева ва кўчатдан келган даромад ҳамда хайр-эҳсондан тушган маблаг ҳисобидан қишлоққа, ўқув даргоҳига табиий газ олиб келинди, шунингдек муаллимларга, аълочи ва таъминоти яхши бўлмаган болаларга моддий ёрдам бериляпти.

Яна бир янгилик: шу йил 15 июль куни Рапқон қишлоғида халқ таълими ходимларининг 60 ўринли санаторийси ишга туширилди. Бу уч қаватли, муҳташам бинони тумандаги 94-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари барпо этдилар. Унга ҳурмат-эҳтиром билан "Устоз" номи берилди. Мазкур дам олиш масканида ҳозир Фарғона вилоятидаги маорифчилар ҳордик чиқаришяпти.

Туман таълим муассасаларида янги ўқув йили ҳам муваффақиятли бошланди. Олдинда эса улкан вазифалар — "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш. Бу узоқни кўзлаб тузилган режаларни рўёбга чиқариш, изланиш, янгиликларни ўқув жараёнига жорий этиш, ўқитувчи ва тарбиячилар ижодкорлигини кучайтириш, таълим-тарбия ишига давр талаби асосида ёндашиш демакдир. Бу йўлда туман халқ таълими бўлими мудири Ғуломиддин Розиқовнинг ташкилотчилиги, жонкуярлиги, педагоглар жамоаларини ижодий ва илҳом билан ишлашга чорловчи тадбирлари муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91

БОЛА ЎЙИНЧОҚ ЎЙНАСИН

Бугунги кунда болалар боғчаларида ўйинчоқлар тақчиллиги сезилмоқда. Айниқса, миллий ўйинчоқлар йўқ ҳисоби.

Республика Халқ таълими вазирлиги, мактабгача тарбия бошқармаси, республика ўқув методика маркази мактабгача тарбия бўлими кўндаланг бўлиб турган бу муаммони ҳал қилишга киришди.

Яқинда ўтказилган республика қўғирчоқ кўрик-танловида тарбиячилар ижодий меҳнати маҳсули бўлган талай ўйинчоқлар кўпчиликка маъқул тушган эди. Эндиликда шулар ва бошқа намуналар асосида ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Давра суҳбатини республика халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов олиб борди. Унда Республика Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳ. Аҳмедова, "Семурғ" акционерлик жамғармаси директори С. Б. Холопова, "Реле" автоматика заводи директори Е. В. Шчербаков, "Совпластитал" технологи Р. Н. Шичигина, "Восток" илмий ишлаб чиқариш корхонаси бош директори М. Зоҳидов, "Фотон" заводи директори В. Г. Татеосов, "Осиё" ишлаб чиқариш кооперативи раиси Р. Мамлев, "Полимер" заводи директори Х. Каримов, Тошкент миллий чолғу асбоблари экспериментал лабораторияси мудири А. Левиев, "Елена" фирмаси раиси Е. В. Багурина, Тошкент "Агрегат" заводи директори Э. В. Тен, бадиий конструкторлик бюроси директори Ф. Маннонов, "Семилия" кичик корхонаси вакили С. А. Александрович ва бошқа мутахассислар иштирок этдилар.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Тил — дил калити

КЕЛАЖАК — ТИЛ БИЛГАННИКИ

Ҳозир чет тилини билган, эркин сўзлаша оладиган ҳар бир киши ҳақиқатда обрў топаётир. Айниқса, мустақил юртимизни дунёга танитишда залворли юк таржимонларга — тил билганлар зиммасига тушаётгани аниқ. Негаки, улар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий юксалишига, жаҳон бозорида ўз неъматлари билан бўй кўрсатишига шахсан ҳисса қўшишаяпти.

Яқинда ўқитувчилар малакасини ошириш курсида бўлганимда, хитой тилидан дарс берадиган танишим бир воқеани айтганди:

— Биласизми, Республикамиз эндигина мустақил бўлган кунлар эди. Вилоятимизга хитойлик жуда кўп ишбилармонлар келадиган бўлишди. Мақсад иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун мавжуд имкониятлар, шарт-шароитларни ўрганиш эди. Улар гуруҳларга бўлиниб, ҳар хил ташкилот ва корхоналарга, туман ва шаҳарларга, қишлоқ хўжалиги жамоаларига боришлари керак. Ҳар бир гуруҳ учун таржимонлар, жуда кўп тилмочлар зарур бўлиб қолди. Эълонларни ёғдириб ташладик, жуда юқори ҳақ тўлашни ваъда қилдик... Афсуски ўша пайтда хитой тилини биладиган ўзбек топилмади.

Кези келганда шундай, олтиндан тахт ваъда қилиб ҳам тилмочга ёлчимай қоларкансан! Айниқса, бизнинг шароитда. Шуни теран ҳис қилганидан тадбиркор кишилар "қариганида" ҳорижий тиллардан бирини ўрганишга киришиб қолишди. Йирик-йирик ташкилотлар, корхоналар катта-катта маблағлар эвазига ўз ходимлари учун чет тилларини ўргатиш курсларини очтиряпти. Мана, жонли мисол: яқинда Андижон вилоятининг Асака тумани трактор прицепи ишлаб чиқарадиган завод инглиз тилини ўрганиб бўлган оддий ишчилардан саксон нафарини Кореяга жўнатди. Асакадаги бу заводда Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси билан ҳамкорликда автомобиль ишлаб чиқарилди. Жўнаб кетган саксон нафар ишчи иш ўрганиб келиш учун юборилган дастлабки гуруҳ экан. Демак, яна тил ўрганишга жалб қилинган ишчилар бор...

Президентимиз Ислом Каримовнинг хориж юртларига сафарини телевидение орқали кузатиб ўтириб, ҳаяжонга тушаман. Ахир, юртбошимиз хориж билан алоқа ўрнатиб, мустақил республикамизни аграр давлатдан ривожланган саноат мамлакатига айлантиришдек улуғ ниятда. Ҳориждаги йирик, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқа ўрнатиш нақадар зарур. Бунинг учун эса тил билган мутахассис керак. Ҳорижий тилларни биладиган кишилар бизда етарлими? Бир француз тили муаллимаси сифатида мени ҳам ўйлантираётган дард, ўй шундан иборат. Келажак — ёшларники, дейишади. Мен эса келажак — тил билган ёшларники, дегим келади. Бу фикрим қанчалик тўғри эканлигини барчамиз ҳис қилиб турибмиз.

Болаларимизни ҳорижий тилларни чуқур билишга қизиқтиришимиз даркор. Чет тилини билишдан шахсий манфаатдор эканликларини, яхши яшашлари мумкинлигини уларга чуқур англатмоқ керак. Шу тартибда қизиқишларини орттиришимиз шарт. Буни хусусий фирмалар, ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан боғлаб ўргатишдан тортинмаслигимиз керак. Зеро, мустақилликдан мақсад аввало, обод ва озод яшаш-ку?!..

Мўътабар НАЖМИДДИНОВА,
Чортоқ туманидаги 31-мактаб француз тили ўқитувчиси.

Услубий тавсиялар минбари

АТТЕСТАЦИЯ — АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Ўзбекистон Республикаси — жонажон Ватанимизнинг мустақил бўлганига уч йилдан ошди. Ана шу муддатда ортга қарайдиган бўлсак мамлакат равнақи, унинг истиқболи ва порлоқ келажагини таъминловчи жуда кўп ҳаётий фармонлар чиқарилди, қарорлар қабул қилинди. Бугун улар ҳаётга татбиқ этилмоқда, ёш давлатимиз қонунчилиги манфаати нуқтаи назаридан такомиллаштирилмоқда, назорат этилмоқда. Биз юқоридаги жумламизда атайин "жуда кўп ҳаётий" иборасини қўлладик. Зеро, давлатимиз раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган дастлабки қонун ва қарорлар қаторида юртимизда таълим ва тарбия, юксак саводхонликка оид ҳужжатларга эътибор билан қараётганлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Мустақилликнинг биринчи йилидаёқ (1992 йил, июль) "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Қонунни амалга ошириш мақсадида 1993 йил "Таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш чоралари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартларининг мундарижаси, уни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартиби ҳақида Низом" ҳамда шу қарорнинг иловаси сифатида "Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисида Низом"ларнинг тасдиқланиши, эълон қилиниши фикримиз далилидир. Бинобарин, халқ таълими тизимида мазкур қарорларни вақтида бажариш ва уларни халқ таълими муассасаларида татбиқ этиш, 1993-96 йиллар ичида барча таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва шунинг заминида босқичма-босқич "Таълим тўғрисида"ги Қонунда зикр этилган давлат таълим стандартларини яратиш, Ўзбекистон таълим тизимини жаҳоннинг илғор мамлакатларида қўлга киритилган ютуқлар даражасига етказиш борасида жиддий қадам қўйилди, дейишга ҳақлимиз.

Хўш, аттестациянинг ўзи нима? Бу янги ибора таълим муассасаларининг турли даражадаги раҳбарлари, барча педагоглардан нималарни талаб этади? Қайси ижобий жиҳатларини рўёбга чиқаришга имкон беради? Ушбу мақоладан мақсадимиз имкони борича шу саволларга жавоб бериш билан бирга жойларда ўз-ўзини аттестация қилиш, аниқроғи, назоратни ташкил этишга баҳоли қудрат кўмаклашишдир.

Тўғри, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жараёни Ўзбекистон мустақил бўлмасдан илгари ҳам мавжуд эди. Биз олдинги аттестациялар "сифатсиз ўтарди", "бугун яхши бўлмоқда" қабилидаги юзаки фикрдан узоқмиз. ХТВ Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси (Инспекция) таркибидаги Аттестация, аккредитация ва лицензиялаш бўлими зиммасига республика худудидаги таълим муассасаларини аттестация этиш билан бирга барча таълим муассасалари ва жойлардаги аттестация ҳайъатлари ва якунларини назорат этиш масъулияти ҳам юклатилган.

Таълим муассасасининг тури ва даражасидан қатъи назар давлат аттестациясида асосий беш омил инобатга олинади. Бу беш омил таълимнинг барча соҳалари учун таллуқли, бироқ таълим муассасасининг даражаси (институт, ПБЮ, ҲБЮ, лицей, гимназия ва б.) ва иш ҳажми нуқтаи назаридан ҳар бир омил ўзининг алоҳида жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ўз-ўзини аттестация этиш ёки давлат аттестацияси жараёнида беш омилнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш керак?!

1. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФНОМАСИ ВА ЎҚУВ-МОДДИЙ БАЗАСИ.

Маълумки, ҳар қандай таълим муассасаси олдиндан тегишли ташкилотлар тасдиқлаган иш режаси асосида фаолият кўрсатади. Тайёрланадиган мутахассисликнинг тури, таҳсил муддати, ўқувчи (талаба)ларнинг сонига қараб муассасалар фаолияти белгиланади. Бунда билим юртининг тузилишига оид: ўқув юрти Паспорти, Устави, уларнинг давр, замонга мослиги; малака ошириш курслари, кутубхона ва қироатхона, услубият ва ишлаб чиқариш фаолияти охирги уч йил ҳисобида таҳлил этилади. Шу бўлимда таълим муассасасининг тайёрлайдиган мутахассислиги ва сони, қабул ва унинг аҳволи, иш ҳужжатларининг юритилиши, архив, истиқболни режалаштириш, молия масалалари ҳам маълумотномада ёритилади. Бу бандда таълим муассасаси раҳбарлари, энг аввало, норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланилаётганлиги, буйруқ, иш юритиш қоғозлари, диплом беришни тартибли олиб бориш, қабул ҳужжатларини жой-жойида сақлаш, саводли, чалкашликларсиз юритиш, асраш каби муҳим жиҳатларга эътибор беришлари ва маълумотлар ҳозирлашлари лозим.

Таълим муассасасининг ўқув-моддий базасининг катта-кичиклиги, майдоннинг ҳажми тайёрланаётган ихтисос режаси ва таълим талабларига тўла мос бўлиши керак. Акс ҳолда таълимни давлат сифат талаблари (стандарти) асосида олиб борилишига монелик вужудга келади. Шу боис, бунда ўқув юрти биносининг ҳолати ўқув-лаборатория базаси, устахона, ётоқхона, спорт зали ва ошхона, кутубхона, ўқув хонаси ва бошқалар ҳақида маълумот берилади. Шу қатори ўқувчилар, билим юрти хизматчиларининг яшаш, ишлаш шароитлари, дам олишини яхшилашга оид Президентимиз фармонларининг бажарилишига оид жиҳатларга эътибор қаратилади. Бу бандда молия-хўжалик сарф-харажатларнинг тегишли бандлари бўйича ҳам маълумот берилади.

Таълим муассасаси раҳбарлари аттестация муддатига қадар таълим сифатини кўтариш ниятида ўз диққатларини фан кабинетларини жиҳозлаш, ўқув, тарбия жиҳозлари билан безаш, услубий ишланмалар, мустақил юртимиз, руҳиятимизни акс эттирувчи кўргазмали воситалар билан кенгроқ таъминлашга эътиборни қаратишлари лозим. Ўқув сифати кўп жиҳатдан ётоқхонага боғлиқ экан, ўқувчи-талабаларнинг яшаш шароитини мумкин қадар яхшилаш ҳам муҳим жиҳатдир.

2. БИЛИМ ЮРТИ РАҲБАРИЯТИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ.

Маълумки, ҳар қандай таълим муассасасидаги ютуқ ёки камчилик ана шу даргоҳларидаги ижодий муҳитга, ходимларга боғлиқ. Аттестация жараёнида, энг аввало, ўқитувчи (профессор-педагог)ларнинг ихтисосликлари, соҳаси устида изланиши, ташаббускорлиги ва иш муддатларига мос келиши алоҳида эътиборда туриши лозим. Бундан ташқари лаборант, ҳамкорлик билан ишлаётган ходимларнинг маълумоти, мутахассислигига ҳам аҳамият берилади. Агар аттестация педагогик институт, ПБЮларида ўтказилса, диплом, курс ишларига раҳбарлик масъулияти тақризчининг илмий даражаси, қайси таълим, илмий муассасасида ишлаши ҳам инобатга олинади. Таълим муассасасида бўш (вакант) ўриннинг кўплиги ёки зарур ихтисосли кадрлар билан таъминланмаганлиги, албатта, салбий ҳол ҳисобланишини унутмаслик лозим.

3. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛИЙ-МЕТОДИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНИШИ.

Ўз-ўзини аттестация этиш жараёнида бу банд энг муҳим қисмдир. Бунда асосий диққат директорлик назорати — аниқроғи, маъмурият назорати, директор, ўқув бўлими, фан уюшмалари, дарсларга ўзаро қатнашиш, очиқ дарслар, ёзма, назорат ишлари олиш, тест, рейтинг, диагностик таҳлил ўтказиш орқали ўқув жараёнини кузатиш, уни талаб даражасида ташкил этишга қаратишдан иборат бу тадбирлар йил давомида амалга ошириб борилади. Бинобарин, маъмурият аттестация муддатигача ана шу ҳужжатларни тартибли олиб бориши, сақлаши ва назоратда тутиши лозим.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этиш учун услубий кенгашлар фаолиятини ривожлантириш, таълим сифатини кўтаришда уларнинг мавқеидан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шу боис, услубий қўмиталар иш ҳужжатлари, йиғилиш баённлари, иш натижасининг тартибли бўлишини таъминлаш зарур. Шулар қаторида дарс режалари ва уларнинг бажарилиши, ўқитувчининг шахсий режаси, тақвим режаси, конспекти, дарс жадвали ва унинг сифати, ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш, дарс соатларининг бажарилиш жадвалига ҳам эътибор қаратилади.

Мазкур бандда педагогика институтлари, ПБЮ ва ҲБЮ аттестацияси учун педагогик амалиёт ёки ишлаб чиқариш амалиёти алоҳида ўрин тутади. Бунда амалиёт ўтказадиган ўқитувчи ихтисоси, салоҳияти, амалиёт ўтказиладиган мактаб, болалар боғчаси ва бошқаларнинг тажриба-таҳсилий базаси, амалиёт ўтказишга мувофиқлиги катта аҳамиятга эга. Мазкур амалиётларни баҳолашда дарс сифати асосий кўрсаткич бўлиб қолади.

Педагогика институтларининг ўқув жараёнини ташкил этишда бу тадбирлар билан чекланмаслик лозим. Чунончи, кафедраларнинг фаоллиги, соҳалар бўйича олиб борилаётган илмий-педагогик, илмий тадқиқотлар кўлами, ёшлар билан ишлаш, талабалар илмий изланишларининг мажмуаси, конференциялар, анжуманларга қатнашиши, хўжалик ҳисобидаги шартномаларнинг кўлами ва унинг иқтисодий манфаати, бўлажак мутахассисни тарбиялашга интилишга эътибор ҳам бош мезонлардан биридир.

Мазкур қисмда албатта ўқув-техник воситалардан фойдаланиш, ЭҲМнинг дарс жараёнидаги ўрни, уларнинг дастурий таъминоти ва фанлар бўйича тайёрланган тестлар захираси ҳақида ҳам маълумот берилади.

4. НАЗАРИЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ, ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ.

Мазкур қисмда назария таълим бўйича ўқув режаси ва дастурининг бажарилиши баён этилади. Бунда, энг аввало, ўқитувчиларда режалаштиришга оид ҳужжатларнинг мавжудлиги, талабга мослиги алоҳида қайд этилади. Ўқув-тарбиявий жараёнда ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириши, ЭҲМларда ишлаши ва унинг унуми, таълимдаги замонавий усул ва шакллардан фойдаланиши ёритилади.

Педагогика институтларида кафедра фанлари бўйича маъруза матнлари фондининг мавжудлиги, уларнинг ўқув дастурларига мувофиқлиги, замонавийлигига эътиборни қаратиш, мазкур ҳужжатлар ким томонидан ва қачон муҳокама (апробация)дан ўтганлигини қайд этиш лозим. Шу жиҳат билан бевосита боғлиқ бўлган услубий дастур ва ишланмалар, кўргазмали ва ташвиқот қуролларининг зарур даражада мавжудлиги, дарс жараёнида фойдаланишга қулайлиги, муҳими, унинг давлат тилида яратилганлиги батафсил ёритилиши керак.

Таълимни аниқ, узлуксиз олиб бориш учун ўқув жараёни жадвали алоҳида ўрин тутади. Жадвал тасдиқлаш тартиби ва муддати, унинг ишчи ўқув режасига мувофиқлиги, мазкур жараённинг назорати ва унинг даврийлиги, бажарилиши ва якуний муҳокамаси ҳам аттестация хулосаларида қайд этилиши керак.

Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни таълим билан уйғун олиб бориш энг асосий жиҳат. Шунинг учун илм муассасаларида тарбиявий ишни кенг йўлга қўйиш, ёш авлодни Ватанга садоқатли, қадриятларимиз, урф-одатларимизни ардоқлайдиган қилиб тарбиялаш масаласи биринчи галдаги вазифа эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Аттестация жараёнида ёки ўз-ўзини аттестация этишда бу борада дарсларда, дарсдан ташқари вақтларда ётоқхоналарда тарбиявий ишларни олиб бориш даражаси, янги, замонавий усулларни қўллаш ҳамда татбиқ этиш аҳволи, тарбиявий ишларни ўтказишда фан уюшмаларининг иштироки эътиборга олинади. Синф раҳбарлари кенгаши, жамоа ташкилотлари, кутубхона, тўгараклар фаолияти ҳам муҳим жиҳатлардан биридир.

5. МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ.

Мазкур қисм ўз-ўзини аттестация этиш ёки давлат аттестацияси ўтказилаётган жараёнда юқоридаги тўрт банднинг умумий натижаси — якуни сифатида кўзга ташланади. Зеро, таълим муассасасининг қайси даражаси бўлишидан қатъи назар, асосий мақсад ҳар томонлама етук, янги давр — бозор иқтисоди талабларига мос, жаҳон фани, педагогикаси ва таълими билан бемалол рақобат қила оладиган мутахассисларни етиштириш ва тарбиялаш билан боғлиқ. Бу энг аввало, талаба ва ўқувчиларга берилаётган таълим сифатида акс этади.

Таълим сифати ўз-ўзини аттестация этиш ёки давлат аттестациясини ўтказиш жараёнида ўқитувчилар дарсларини кузатиш, таҳлил этиш, очиқ дарслар ташкил этиш, ёзма, контрол ишлар олиш, ПБЮларида жамланма назорат ишлари орқали ўқувчи билимини аниқлаш, талабалар билимини тест, рейтинг усули ёрдамида аниқлаш, фанларга оид, қадриятимиз, тарихимиз ва маънавиятимиз ҳақида суҳбат ўтказиш каби тадбирларни ўтказиш қўл келади. Зарур бўлганда профессор-ўқитувчилар, тарбиячи ва бошқа ходимлар ҳам шу тахлит (тест, саволномалар, оғзаки суҳбатлар ўтказиш, иш ҳужжатларини текшириш ва б.) аттестациядан ўтказилади. Сўнгра юқоридаги назорат йўллари орқали қўлга киритилган натижалар якунлари асосида маълумотнома тузилади.

Биз юқорида таълим муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш юзасидан айрим тавсияларни келтирдик, холос. Жойларда аттестацияга оид норматив ҳужжатлар, матбуот саҳифаларида мақола ва тавсияномалар эълон қилинган, улардан унумли фойдаланиш мумкин. Гарчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим муассасаларини аттестация этиш борасидаги қарори эълон қилинганига бир ярим йилча вақт ўтган бўлсада, ХТВ тасарруфидаги вилоят, туман бошқарма ва бўлинмаларда аттестация ҳайъати номигагина тузилган бўлиб, ҳалигача талаб даражасида фаолият кўрсатмаётганлиги сир эмас. Шунга қарамай, жойлардаги давлат аттестацияси комиссиялари, вилоятлардаги масъул кишилар ўз ишларига жиддий ёндошишлари, таълим сифатини янада яхшилаш борасида жиддий ўзгаришлар қилишлари лозим.

ХТВ Давлат стандартлари бўйича республика инспекцияси бир қатор таълим муассасалари: иккита педагогика институти, Тошкент машинасозлик республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази, 4 та ПБЮ, 27 та Туркия билан ҳамкорликда тузилган лицейлар, Калонов номидаги олий ҳунар билим юрти, республика ўқувчи—ёшлар техник ижодиёти марказини давлат аттестациясидан ўтказди. Мазкур таълим муассасаларида бир қатор ютуқлар қатори жиддий хато ва камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Шу боис бу муассасаларнинг бир нечтаси аттестация комиссиясининг "шартли аттестация этилди" деган баҳосини олди. Бундай кўрсаткич, кўриниб турибдики, ҳали таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасига кўтаришимиз учун жиддий меҳнат қилишимизни, зиммамиздаги вазифаларни адо этишга катта масъулият билан ёндашишимизни тақозо этади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги давлат Инспекцияси Аттестация, аккредитация ва лицензиялаш бўлими бошлиғи.

Хотира

КУРЧАТОВ ТАН БЕРГАН ОЛИМ

Республикамиз мактаблари, олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишни такомиллаштиришда ва уни юксалтиришда жаҳондаги олимлар орасида академик Содиқ Азимовнинг ўз ўрни, салмоқли ҳиссаси бор. Содиқ Азимович Азимов Ўзбекистондаги йирик физик олимлардан бири, фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофотининг совриндори. Ўзбекистонда ядро физикаси, юқори энергиялар физикаси, қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш, қаттиқ жисмлар ва ярим ўтказгичлар физикаси, гелиоэнергетика ва бу соҳанинг бошқа йўналишларидаги ривожланишлар бевосита ана шу кишининг номи билан боғлиқ.

Олимнинг ҳаёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак у 1914 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1931 йилда Тошкентдаги фабрика-завод билим юртини тугатгандан кейин шу йилнинг ўзида Ўрта Осиё темир йўллари инженерлари институтининг талабаси бўлди ва мазкур институтни 1933 йилда тугатди. 1933-1936 йилларда Тошкент педагогика институтидаги математика бўлимининг кечки факультетида таҳсил кўрди. Шу давр мобайнида бир йўла Ўрта Осиё пахтачилик институтининг ишчи факультетида талабаларга математикадан сабоқ берди. 1936-1940 йилларда эса, Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетида ўқиди ва физика фани бўйича мутахассис бўлиб етишди. 1941-1945 йилларда Ўрта Осиё политехника институтида ассистент лавозимида ишлади. Бўлажак олимнинг илмга чанқоқлигини сезган институт раҳбарлари уни ўша пайтда машҳур бўлган Фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номидаги физика институтига аспирантурага юборишди. С. Азимовнинг илмий фаолияти айнан ўша ерда бошланди. Физика институтида В. Векслер раҳбарлик қилган гуруҳ космик нурлар ва элементар зарралар устида илмий тадқиқот ишларини олиб борётганлиги унда илмий ишларда бевосита қатнашиш иштиёқини уйғотди ва шу гуруҳ олиб бораётган ишларда иштирок этиш имкониятини берди. С. Азимов собиқ СССР ФА Физика институтида ишлар экан "айланма" асбобида космик нурларнинг мувозанатсиз юмшоқ компонентларини, унинг физик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий ишлар бажарди. 1948 йилда йирик олимлар иштирок этган илмий кенгашда С. Азимов номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўша вақтда ФАнинг президенти С. А. Вавилов, С. Азимовнинг ишига юқори баҳо бериб, бундай мутахассисларнинг етишиб чиқиши Ўзбекистонда физика фанининг ривожланишида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаганди. Тошкентга қайтгач, у Ўзбекистон ФА физика-техника институтида космик нурлар лабораториясини ташкил қилади ва шу тариқа Ўзбекистонда юқори энергияли физика соҳаси бўйича тадқиқот ишлари бошлаб юборилади.

Узоқ изланишлар, тадқиқот ва тахлиллар космик нурларнинг мураккаб ядролар билан тўқнашувини ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг бу соҳадаги мажмуаси 1955 йилда СССР ФА физика институтида муффақиятли ёқланган докторлик диссертациясида мужассамлашган.

Муҳими, самарали натижадан сўнг Тошкентга қайтиб, университетда космик нурлар кафедрасини ва унинг қошида фаннинг шу соҳаси бўйича лаборатория ташкил қилишга киришди. Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистонда ядро физикаси, юқори энергияли физика ва космик нурлар физикаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Йиллар ўтаверди. Фаннинг бу соҳаси ҳам юртимизда юксалиб олимлар, тадқиқотчи ва яратувчилар сони кўпаяверди. Масалан, физика-техника институтида космик нурлар лабораторияси билан биргаликда юқори энергиялар бўлими, ядро фотоэмульсияси лабораторияси ва пуффак камералардан олинган тасвирларни таҳлил қилиш лабораториялари тузилди. 80-йилларда мазкур бўлимга 100 га яқин ходимлар жалб этилди, чет эл олимлари билан ҳам алоқалар мустаҳкамланиб бораверади.

Ўзбекистонда ядро физикаси институтини барпо этишда ҳам академик Содиқ Азимовнинг алоҳида ўрни бор. Шу ўринда бир мисолга эътиборни қаратмоқчиман. 1956 йилда, институт ташкил этилиши арафасида ўтказилган Тошкентдаги кенгашда академик Курчатов бу кафедра ҳақида яхши фикрлар билдириб, Тошкентда малакали кадрлар борлигини, ядро физикаси институти яратилишини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашини айтганди.

Фундаментал фан кўпмиллатлидир. Ишда муваффақиятга эришиш учун мунтазам изланиш, фанга доир кўплаб китоб ва илмий журналларни ўқиш, ютуқлари билан танишиб бориш лозим. С. Азимов илмий ишларни кўпчилик ўқийдиган таниқли журналларда чоп эттиришни лозим кўрарди. Шунинг учун ҳам у ўз ходимларига илмий мақолаларни собиқ иттифоқ ва чет эл журналларига юборишларини талаб қиларди. Фундаментал тадқиқотлар натижалари асосида кейинчалик жуда фойдали кашфиётлар, монография ва китоблар юзага келди.

С. Азимов фундаментал тадқиқотлар билан бир қаторда амалий изланишларга ҳам катта эътибор берди. У катта қуёш "печи"нинг қурилишини бошқарди. Унинг ташаббуси ва қатъий ҳаракатлари туфайли юртимизда катта қуёш печида қийин эрийдиган материалларни ўрганишга қаратилган технологияни ишлаб чиқиш мақсадида ФТИ қошида "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси барпо этилди. Бу эса Ўзбекистон халқ хўжалигида, шунингдек, астрофизика соҳасида фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришда янада самарали фойда келтиришга имкон яратди.

Олимнинг яхши хислатларидан бири доимо юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига катта аҳамият бериши эди. Ўзбекистонда ядро физикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши йилларида мазкур йўналиш бўйича фан номзодлари ва докторларининг сони физиканинг бошқа бўлимларида етишиб чиққан олимлар сонидан анча кўп эди. Хизмат лавозимидан қатъи назар, барчага хушмуомалалик билан, самимий муносабатда бўлишлик Содиқ Азимовичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. У ишда талабчан, лекин зарур бўлган ҳолларда ҳеч кимдан ўз ёрдамини аямасди.

Ташкилотчи, ташаббускор ва тадқиқотчи олим умрининг охиригача физикани юксалтиришда ўзининг беминнат ҳиссасини қўшди. Эндиликда у кишининг шогирдлари юқори энергияли физика соҳасидаги ишларни муваффақиятли давом эттирмоқдалар, халқаро анжуманларда қатнашмоқдалар, собиқ Иттифоқ ва чет эл журналларида илмий мақоллари билан иштирок этишиб, Ўзбекистон илм-фани нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Раҳим БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда АҚШ Нью-Йорк Фанлар академияси академиги.

"Маърифат" хабарлари

ЎРГАНГАНИ ЎЗИНИКИ

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Фозил Хидиров номидаги мактаб маъмурияти ўқувчиларга янгича йўналиш асосида таълим бериш билан бирга, уларнинг ҳунар сирларини ўрганишларига ҳам жиддий аҳамият беришмоқда. Чунончи, ўқувчилар бу ерда дарсдан бўш вақтларида тикиш-бичиш, дурадгорлик, мусиқа санъати ҳамда пойабзал таъмирлаш сирларини ҳам ўрганишаяптилар.

Айниқса, пойабзал таъмирлашга ўқувчиларнинг қизиқиши катта. Бу тўгарак раҳбари А. Мейлиев ўқувчиларнинг ҳунар сирларини яхши ўзлаштиришларида яқиндан ёрдам бериб, керакли шарт-шароитни яратаётганлиги мактаб маъмурияти қаторида ота-оналар, кенг жамоатчиликка ҳам маъқул келаяпти.

"ШАЛОЛА"ДАН УМИД КАТТА

Бундан бир йил муқаддам Яккабоғ туманидаги Улуғбек номли мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Абдували Бердиев бошчилигида ўқувчилардан иборат "Шалола" номли ансамбль ўз фаолиятини бошлаганди. Иқтисодий қийинчиликлар, мусиқа асбобларининг етишмаслиги ансамбль олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланарди.

Лекин "Шалола"нинг келажагига умид боғлаган оталиқ ташкилоти, яъни "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалиги ёшларга раҳнамолик қилиб, керакли асбоб-ускуна, турли хилдаги жиҳозларни олиб берганди. Мана, шунга ҳам бир йил бўлди. Айни пайтда ансамбль янги-янги дастурлар асосида фаолият кўрсатиб, нафақат мактабда, балки туман аҳолисига, далаларда меҳнат қилаётган деҳқону миришкорларга ҳам яқиндан хизмат қилиб, эл олқишига сазовор бўлмоқда.

Айни пайтда "Шалола"нинг сафи тобора кенгайиб, дастури ҳам ранг-баранг қўшиқлар, халқ оғзаки ижоди ва миллий ўйинлар билан бойиб бормоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ансамбль концертларидан тушган маблағ ҳисобига мактабда махсус ҳисоб очилиб, ана шу маблағдан иқтидорли, аълочи ўқувчиларга стипендиялар берилаяпти.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси.

ҚУТЛУҒ ЁШ ҚУВОНЧЛАРИ



Чилонзор туманидаги Шотурсун Ғуломов номидаги 114—мактаб гимназия ўқувчилари ва педагогик жамоаси илм маскани ташкил этилганлигининг муборак 50 йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонлади. Шу санага бағишланган йиғинда ота—оналар, мактабнинг собиқ ўқувчилари ва муаллимлар иштирок этишди.

Йиғилишни мактаб директори Мастура Убайдуллаева очиб, илм даргоҳининг босиб ўтган шонли йўли ҳақида қисқача гапириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимов, туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Эргаш Магдиев, кекса ўқитувчи Маҳмуда Рихсиева, таниқли шоир Шотурсун Ғуломовнинг укаси Муҳиддин Ғуломов,"Юнитех корпорейшн Америка — Ҳиндистон" қўшма корхонасининг директори Бахтиёр Маматов ва бошқалар мактаб жамоасини ушбу муборак байрам билан қизғин қутладилар. Илм маскани педагоглари жамоасига бундан буёнги фаолиятларида ҳам муваффақият, ўғил—қизларни билимли ва одобли қилиб тарбиялаш каби эзгу ишларида омад тилашди.

У. ЖУМАЕВ.

Суратда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

ҚИЗҒИН ЎТДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида "Туркий тиллар тараққиёти муаммолари" мавзуида республика илмий – амалий анжумани бўлиб ўтди.

Уни институт илмий ишлар бўйича ректор муовини, профессор М. Тўхтахўжаева кириш сўзи билан очиб, мазкур йиғиннинг аҳамияти, туркий тиллар ривожи айни кунимизнинг долзарб ва муҳим масалаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор А. Ҳожиев "Ўзбек тили лексикасининг тараққиёт қонунлари", Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор М. Асқарова "Ўзбек тили тараққиётининг долзарб масалалари" мавзуидаги маърузаларида тилимизнинг қадр – қимматини, давлат тили сифатидаги мавқеини янада юксалтириш учун амалга ошириш лозим бўлган вазифалар хусусида ўз фикр – мулоҳазаларини баён этишди.

Анжуманнинг "Туркий тиллар тараққиётининг долзарб масалалари", "Туркий тиллар тарихини ўрганиш масалалари", "Туркий ва нотуркий тилларни қиёсий ўрганиш", "Туркий тилларни ўқитиш услубияти" каби шўъбаларга бўлиниб, давом эттирилган мажлис ҳам қизғин баҳс – мунозаралар руҳида ўтди.

Мухбиримиз.

Назм дафтаридан

Икром ОТАМУРОД

ЮРАГИНГДА ҚАДР УЙҒОНСИН

* * *

Юрагингда қадр уйғонсин,
ҳам ғурурлар уйғонсин онгда.
Шаббодалар меҳридан қонсин,
отаётган нораста тонгда.

Канглунг қамуқ. Занжир эшиги
илгагин еч, ўзингни тани.
Ки — қадрдир эркнинг бешиги,
Ки — ғурурдир эркнинг ватани.

Руҳингни сёз, руҳингга эрк бер —
ҳисларингга бойланган қушлар
қўйвор учсин, қўйворгин бир-бир,
рўёларга айлансин тушлар.

Ҳориган хотиранг сасидан
сезгум букик азотлигини
Умидларинг харитасидан
излайман руҳ озодлигини.

Юрагингда қадр уйғонсин,
ҳам ғурурлар уйғонсин онгда.
Шаббодалар меҳридан қонсин,
отаётган нораста тонгда.

* * *

Меҳру мурувватнинг вайрона тоқи -
восили беқадр қақшаган уннинг.
Тобарҳо ситилиб,титилар чоки
кўйна гардуннинг.

Тик келган ғанимдан сезмайман хатар,
қўрқаман қўрқоқнинг садоқатидан.
Эҳмолида зиён болалаб ётар,
сотқинлик сирқийди Ҳақиқатидан.

Менга тегиб синган иддао тошин
чўнтагига жойлаб қўяди маҳкам.
Найсонлар ювади куртаклар лошин,
ғунчалар шўришин ҳўплайди шабнам.

Дариғо, меҳрни хил-хилга туллаб,
сотишади ожиз шуҳратпарастлар.
Армонларни ютиб югурар йўллар,
қувончларни бефарқ тарашлар.

Ўксиниб,барига қарайман-да тек,
ўйлайман, юракда соғинчлар титроқ.
Комилон даштларида чопган болалик,
Касби қўрғонида ўсган қизғалдоқ.

* * *

Қошингдан қайтаман ҳар сафар оғир,
Ўй босиб пайвастлар тўзғин макаммул.
Ҳувайдо қалбимда сандувоч сағир,
фироқ шаппўшини кияр таҳаммул.

Кузатиб турасан зубуржад зойил,
эшик ҳам кузатиб дардлари синар.
Орада минг йиллик масофа ҳойил,
сен-да хўрсинасан, эшик хўрсинар.

Шабгун насимлари мастона гангиб,
далли ҳисларимга санчилар шикан.
Бенаво канглунгни узолмай-танғиб,
кузатиб турасан қия эшикдан.

Кузатиб турасан, юрагингда мунг,
ва охирги журъат — хайр пичалар.
Эшикни ёпасан, секингина, сўнг,
мени ютиб юборади кўчалар.

* * *

Чиқиради телефон бирдан,
Гўшакни кўтарасан шошиб.
Таниш овоз эшитиб ундан,
Баҳона тўқийсан энгашиб.

Топилади: "Ишлар кўп афсус,
Ҳаво айниб турибди яна".
Кейинроққа... Босади бир сус:
"Хафа бўлма сира, жонгинам!"

Ўксинар. Хўрсинар. Не илож.
Кўнади. Сен берасан далда:
"Ёзуғимга ўзингсан гултож,

Ишон. Ёлғиз ўзингсан!" Алда.

Гўшак хурсанд қутилганидан
Ва жойига тушади осон.
Сен-да шодсан,топилганидан
Алдаш учун муносиб ёлғон.

Гапга чечан бурро забонлар,
Ваъдаларни тўкади дув-дув.
Телефонда кулар ёлғонлар.
Телефонда йиғлар учрашув.

* * *

Армонлар зулфин тараб,
Ғамлар чатнаб, қовжираб,
Юрагимда зирқираб
Шом-шом ўтди билмадинг.

Бору борлиғим ёниб,
Жону жаҳоним жониб,
Хотиралар ўртониб,
Ном-ном ўтди билмадинг.

Ғариб дунёларида,
Мискин гиёларида,
Канглум дарёларида,
Кам-кам ўтди билмадинг.

Йўлларингда йўл кутиб,
Дардларин ичга ютиб,
Ҳижронлардан туғ тутиб,
Икром ўтди билмадинг.

КЕКСА МУАЛЛИМ

Шукурким, болалар бола жойида,
Неваралардан ҳам тинганман, шукур.
Камим йўқ,
кўстим йўқ,
бор бинойидай
худо насиб этган кунларим ўтур.

Ўйлайман, уйимда ўтирсам бўлар,
ишнинг поёнига етибди ким ҳам.
Кексалик гоҳ касрин кўрсатиб қолар,
нафасим қисади,
куч-қувватим кам.

Дамингизни олинг,дейди қизларим,
ишни қўйинг, дейди ўғлим оғриниб.
Нима қилай, қирқ беш йиллик изларим,
имлаб турса очиб бағрини!!

Ҳозир ёшсиз, бир кун англайсиз ўсиб,
азиз эканини қадр немуғдор.
Эътибордан кангул тоғдайин ўсиб,
лоқайдликдан чўкиб, чекишин озор.

Бир тикка нон билан тўяди одам,
қултум сув қондирар чанқоғни.
Лекин, излайди у тиним билмасдан,
кичкина қадрни,
кичик ардоғни.

Соғиниб кетаман уйимда бирдан,
музлаган кўчага чиқаман туриб.
Қишнинг орзиқтириб ёққан қоридан
тайрилиб кетмай деб, секинроқ юриб,
келаман сизларни кўргани, ахир,
меҳрим меҳрингизга боғланган боғич.
Мени сизлар томон етаклар қадр,
мени сизлар томон етаклар соғинч.

Кадриятларимиз

ҚУВВАИ ҲОФИЗА

Мени анчадан буён бир нарса ўйлантириб келади. У ҳам бўлса айрим тарих китобларида "Эски мактабларда ҳеч қандай дунёвий илмлар ўқитилмас эди ва у диний китобларни қуруқ ёдлаш ва схоластикага асосланган эди" қабилидаги уйдирма гаплардир. Бу гаплар китобдан китобга ўтиб юрди, ўзбек адабиёти тарихига оид дарсликларда ўтмиш адибларимиз таржимаи ҳоли ҳақида гап кетганда "қуруқ ёдлаш ва схоластикага асосланган мактабдаги ўқиш уни қаноатлантирмади. Шунинг учун у мактабни ташлаб, мустақил мутолаага берилди" деган фикрлар бот-бот такрорланади. Эндиликда бу гапларнинг таги бўш ва пуч эканлигини яхши биламиз. Агар эски мактаб ва мадрасаларда дунёвий илмлар ўқитилмаган бўлса, юртимиздан чиққан ва дунёга машҳур бўлган кўплаб аҳли донишлар, олиму фозиллар қайси илм даргоҳида етишди экан?

Энди ёдлаш масаласига келайлик. Чиндан ҳам ёдлаш зерикарлимикан? У болалар ақлини чарчатиб, заифлаштириб юбормасмикан? Бизнингча, бунинг акси бўлса керак. Чунки ёдлаш инсон ақлини чархловчи, ўткирловчи воситадир. Буни шунга қиёс қилиш мумкин. Агар инсон ўз севган ҳунари устида ҳар куни ишласа, уни изчил давом эттирса, маҳорати кун сайин ошиб боради. Демак, инсон тафаккури ҳам ҳаракат ва машққа мухтож. Агар шундай қилинмаса, у кун сайин заифлашиб, танбаллашиб боради. Шуни айтиш керакки, инсон ақли мислсиз имкониятларга эга. Аммо бутун умрини ақлий меҳнатга бағишлаган инсон ҳам ҳаёти давомида унинг жуда ҳам оз қисмидан фойдаланар экан. Ақлнинг бу мислсиз имкониятларидан фойдаланмоқ учун тинимсиз ишлашга мажбур этиш, машқ қилдириб бориш зарур. Шундай қилинса, у инсонни илм-маърифатнинг нурли манзилларига олиб боради.

Биз мактаб дарсликларидан 6-7 ёшли Алишернинг улуғ сўфий шоир Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ-ут-тайр" ("Қуш тили") асарини тўлиқ ёд олганлигини яхши биламиз. Умуман, Навоий ўзидан олдин ўтган ва ўзига замондош бўлган шоирлар шеърини ёд билган. Булар ҳам Алишер Навоийнинг даҳо санъаткор сифатида шаклланишида асосий замин бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиздир. Шу билан бирга Навоий ўткир зеҳнлиликни, ҳофиза қобилиятини инсондаги энг улуғ мўъжиза деб билган.

Ота-боболаримизнинг ёдлашга, қувваи ҳофизни тарбиялашга жиддий эътибор берганлиги бежиз бўлмаган. Улар бу таълим усулини инсонни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда асосий восита деб билганлар. Эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб чиққан толиблар бутун бошли тафсир ва ҳадисларни, Яссавий, Боқирғоний, Саъдий, Жомий, Навоий, Ҳофиз ҳамда Мирзо Бедилни тўлиқ шарҳлаб бера олганлар.

Эски мактабларда ёдлаш усулидан фақат ижтимоий фанларни ўқитишда эмас, балки аниқ фанлар — математика, кимё, астрономия кабиларни ўқитишда ҳам кенг фойдаланилганлиги маълум. Бу усул мазкур фанларни ўзлаштиришда яхши самаралар берган.

Газетхонлар собиқ совет даврида мактабларда ҳам ёдлатиш усули қўлланган эди-ку, дейишлари мумкин. Тўғри, қўлланилган. Аммо бу изчил ва қатъий бўлмаган, аниқ мақсадга йўналтирилмаган. Ёдлаш билан ёдлашнинг эса фарқи бор. Ўқувчи шундай асарни ёд олсинки, у ўқувчига билим берсин, унинг маънавий дунёсини бойитсин. Ундан эстетик завқ олинсин ва у гўзаллик туйғуларининг шаклланиши учун хизмат қилсин. Энди сўнгги йиллардаги мактабда, айниқса, адабиёт дарсларида ёд олинган, аниқроғи мажбурий ёдлатилган асарларни бир эслайлик. Булар: "Баҳор", "Баҳор келди", "Оппоқ қор", "Арчажон", "Куз", "Олтин куз", "Пахта", "Пахта терсанг", "Обод ўлкам", "Москва", "Кремль юлдузи", "Комсомол", "Пионер", "Мен бахтиёр пионер", "Қизил галстук", "Октябрят", "Юлдузча", "Ленин бобо", "Россия", "Совет паспорти", "Улуғ рус халқига" каби манзумалар эди. Улар аслида болалар маънавиятининг шаклланиши учун эмас, балки сохта сиёсий ақидаларни уларнинг мурғак қалбида муҳрлаш, уларни мутелик, куллик руҳида тарбиялаш учун ёдлатилган. Шунингдек, Алишер Навоий, Бобур, Турди, Фурқат, Муқимийлар ижодидан ҳам худди шу сиёсатга мос тушадиганлари танлаб ёдлатилган. Мос тушмаганларининг мазмуни ҳар томонга айлантирилган. А. Навоийнинг "Сода шайх", "Топмадим", Бобурнинг "Қолдиму", Фурқатнинг "Суворов", "Гимназия" каби мактаб дарсликларига киритилган, ёдлатилган шеърлари ҳамда уларнинг ғализ, тескари таҳлили бунинг ёрқин мисолидир. Ваҳоланки, ўзбек шоирларининг бу ва бошқа ёдлашга, ўқиш ва таҳлил қилишга арзийдиган, инсон тафаккурини шуълалантирадиган, ақли ва зеҳнини тоблайдиган, қалбини, юрагини нурга тўлдирадиган, эзгулик ва гўзалликка ошно қиладиган шеърлари сон-саноқсиз эди.

Инсониятнинг бахт-иқбол ва озодликка олиб борадиган барча йўлларини илму маърифат нури ёритиб туради. Бинобарин, мустақил ватанимизнинг бунёдкорлари бўлмиш ёшларининг қалби ва тафаккурини маърифат шуъласи билан ёлқинлантирмоқ учун таълим-тарбия соҳасидаги ўтмиш қадриятларимиздан ва жаҳон халкларининг синалган энг илғор таълим-тарбия анъаналаридан кенг фойдаланишимиз зарур. Шулардан бири ёдлаш ва ёдлатиш усулидир. Бу усул, биринчидан, болаларнинг хотира, яъни қувваи ҳофизасини мустаҳкамлайди, зеҳнини ўткирлаштиради. Ақл кучини илмни ўзлаштиришга сафарбар этади. Иккинчидан, болада ўз диққатини бир нуқтага жамлаш одатини шакллантиради. Паришонхотирлик, лоқайдликдан халос этади. Учинчидан, ёзма ва оғзаки нутқнинг ривожланишига имкон яратади. Тўртинчидан, саводхонликни таъминлайди. Бунинг учун эса, аввало, ўқиш китоби ва адабиёт дарсликларига киритилган, ўрганиш ва ёдлашга мўлжалланган асарлар ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан мукаммал бўлиши керак. Токи, бу асарлар ўқувчига маънавий озиқ берсин, уни гўзалликка, эзгуликка ошно этсин.

Иброҳим АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди.

КОМБИНАТНИНГ ҲИССАСИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган мактабларарo озиқ-овқат тайёрлаш комбинати жамоаси мактаб буфетларини турли туман ширинликлар билан таъминлаш вазифасини зиммаларига олишган. Бу ишда комбинат раҳбари Матлуба Абдуллаева, қандолатчилар Феруза Деҳқонова, Барно Турсунқулова, Насиба Умархонова, Рафиқ Рубиновнинг ҳиссалари катта бўлаяпти.

Суратларда: М. Абдуллаева бошчилигидаги бир гуруҳ қандолатчилар тансиқ таомлар сифатини кўздан кечиришаяпти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.

Ҳувайдонинг 290 йиллиги олдидан

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Тошкент шаҳридаги Ҳувайдо маҳалласида шоир ва файласуф Ҳожамназар Ҳувайдо туғилган кунининг 290 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳувайдо маҳалла қўмитасининг раиси Олимжон ҳожи Нурматов очди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Фарғона тумани, Чимён қишлоғидаги Ҳувайдо хайрия фонди раиси, республика халқ таълими аълочиси Нуъмонжон Орипов маъруза қилди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Пўлат Мўмин, 94 ёшли Наби Ҳожи ота, Ғафур Ғулом номидаги 169-мактаб директори Козим Аъзамов, тумон ҳокимлигидан Нишонхўжа Асадов ва бошқалар Ҳувайдо ижоди ҳақида мароқли сўз юритдилар.

Ғафур Ғулом номидаги мактабнинг юқори синф талабалари шоир ижодидан намуналар ўқидилар. Тарихшунос олим Аҳмадали Аюбов ва шу маҳаллада яшовчи уруш қатнашчиларидан бир қанчаси ўз сўзларида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигининг болалар тарбиясига ижобий таъсири хусусида фикр билдирдилар.

Йиғилиш охирида бир гуруҳ фахрийларга "Шуҳрат" ва "Жасорат" медаллари, совғалар топширилди.

Д. ХЎЖАЕВА,
мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Таълимтаъминот" Бош бошқармаси шу бошқарма бошлиғи Баҳодир ҲАМИДОВга опаси

Дилором ҲАМИДОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоат ташкилотлари фалсафа кафедрасининг профессори Маркс ҲАСАНОВга онаси

Амина ҲАСАНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва Қибрай тумани халқ таълими бўлими шу туман халқ таълими бўлими мудири Усмонали МУСАЕВга онаси

Баҳри ая МУСАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси шу институт ходими Абдуғафур Абдуллаевга турмуш ўртоғи

Иқбол АБДУЛЛАЕВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати касаба уюшмаси жаҳон халқлари энг янги тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси

Махсума АБДУРАҲМОНОВА

вафоти муносабати билан марҳумининг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Янги китоблар

ҲАЙҚИРИҚ

Она-табиат... У одамзодни асрлар давомида едирди, кийдирди, ундан ўз саховатини, инъомини аямади. Лекин биз, инсонлар бу саховатнинг, бу инъом-эҳсоннинг қадрига етмадик. Табиатга меҳр билан, одамийлик билан жавоб бермадик, яхшиликка ёмонлик қилдик. Заминни, зилол сувни, мусаффо ҳавони заҳарладик, оёкости қилдик. Шу тариқа тақдиримизга, келажагимизга бефарқ қараб, ўзимиз ўтирган шохга болта ураётганимизни билмадик.

Мен Самарқанд Давлат университетининг профессори Қудратилла Ҳайдаровнинг "Табиат ва инсон экологияси" (Самарқанд, 1993) китобини варақлар эканман, у шу куннинг энг ҳаётий, долзарб муаммосига бағишланганини ҳис этиб, мамнун бўлдим.

Муаллиф китобида атроф-мухитнинг мувозанати бузилиши натижасида инсон экологияси, унинг руҳияти, саломатлиги, эътиқоди ва ирсиятида рўй бераётган салбий ўзгаришлар тўғрисида илмий асосда фикр юритган. Маънавий баркамол инсонни камолотга етказишда она-табиатнинг аҳамияти чексизлигини, инсоний эътиқод ва фазилатларни сақлаб қолишнинг келгуси авлодлар тақдирига дахлдорлигини таъкидлаган. Ирсият, урф-одат, анъана ва иймон муаммолари ҳақидаги янги фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Масалан, бир ёстиққа бош қўйишга ахд қилган ёш йигит-қ злар, аввало, бир-бирларининг наслу насабини яхши билишлари ширин турмуш қуришнинг асоси эканлиги илмий жиҳатдан далиллаб берилган. Бинобарин, инсон қонида бўладиган бу омилнинг наслдан-наслга ўтиши ирсиятда тўла исботланган. Олим шу ҳақда фикр юритиб, қатъий хулосага келади. Ёш оилалар мустаҳкам, энг муҳими, фарзандларнинг бахтли, соғлом бўлишини кўзлаб, ирсият бўйича маслаҳат берувчи генетик марказлар очишни таклиф этади. Ёшлар турмуш қуришдан олдин ана шу марказдан ўтиб, тегишли тушунча олишса, нур устига нур бўлишини таъкидлайди.

Муаллиф Зарафшон дарёси ва унинг воҳаси тўғрисида ачиниш билан сўз юритиб, етти иқлимга зар сочган Зарафшоннинг зилол суви ифлосланиб кетгани ҳақида бонг уради. Мен шу муаммонинг бир гувоҳи сифатида беғубор болалигимни эслайман.

Бундан 35-40 йил муқаддам биз яшаётган Даҳбед қўрғонининг таровати ўзгача эди. Қишлоқ дарёдан оқиб келадиган ариқлардан сув ичарди. Дарё атрофидаги тўқайзор ва чакалакзорларда турли-туман ҳайвонлар, паррандалар ва даррандалар бўларди. Қорадарё ва Оқдарё ёқаларидаги тўқайзорларда сон-саноқсиз тус-товуқлар, беданалар учиб юришарди. Тўқайзорлар Даҳбед халқи учун ўзига хос тирикчилик манбаи ҳисобланарди. Ғаров қамишидан бежирим бўйралар тўқилар, эркак қамишдан эса тўсиқлар тайёрланиб, томларнинг усти ёпиларди. Кеч кузакда ва қишда бу ерлар қишлоқ подаси боқиладиган ўзига хос яйловга айланарди.

Афсуски, 60-йиллар ўрталарида бу гўзал масканга ҳужум бошланди. Пахта ҳукмронлиги бу ерларга ҳам етиб келди. Боғу роғлар, тўқайзорлар йўқолди, ёввойи ҳайвонлар қирилди, қушлар турли томонларга учиб кетди. Қўрғон яқинидаги табиатнинг тирик бурчаги завол топди. Буни кўрган, қалбан сезган табиат шайдоси Қ. Ҳайдаров изтиробга тушиб, одамларни ҳушёрликка чорлади. Китоби орқали фожианинг оқибати ҳақида бонг урди.

Куюнчак муаллиф Зарафшон соҳилларида ўрмон яратиш, экологик мухитни тезроқ тиклаш лозимлигини уқтириб, қатор таклифлар билдиради. Жумладан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ижозатисиз бошланган қурилиш-қазиш ишларини тўхтатишни, корхоналар томонидан сув ифлослантирилса, бунга йўл қўйиб берган ўша корхона-ташкилот раҳбарларидан шахсан жарима ундириш бошқаларга ҳам катта сабоқ бўлишини айтиб, жўяли фикрларни ўртага ташлайди. Мактаб ва олий ўқув юртларида экология фанини ўқитиш билан бирга корхона ва ташкилотларда "Экология" штатлари ташкил этиш ғоясини ишончли мисоллар, ибратли ривоятлар орқали олға суради.

Зувайдулло ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг профессори, биология фанлари доктори.

Обуна-95

"ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ"

Ҳурматли журналхонлар!

Журналнинг "Муаммолар... Вазифалар... Ечимлар... рукнларида 1995 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгандан буён амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ва уларни ҳал этиш борасида кўрилаётган тадбирлар мунтазам ёритиб борилади. "Методика ва тажриба" рукнида эса ўқув дастурига киритилган, лекин ижоди энди ўрганила бошлаган адабиётимиз намояндалари ҳақида дарсликларга қўшимча материаллар, тил ва адабиёт дарсларида қўлланилаётган янги усуллар, илғор тажриба ҳақида материаллар чоп этилади.

"Қонун ва ижро" рукнида Давлат тили ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг турмушга татбиқ этилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалалар ўз аксини топади.

"Адабий тақвим"дан эса адабиётимизнинг Беҳбудий, Ойбек, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад каби йирик намояндалари ҳақида маълумот оласиз.

Жамоамиз сиз, азиз ўқувчиларимизга келгуси йилда ҳам бир қатор рукнлар остида ноанъанавий машғулотлар учун сценарийлар, янги услубий қўлланмалар, адабиётлар ҳақида хабарлар, муаммоли саволларингизга жавоблар ҳамда айрим сўзларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар бериб боради.

Журналимиз фақат обуна йўли билан тарқатилиши, сотувга чиқарилмаслигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.

Журналнинг индекси: 75368. Бир йиллик обуна нархи 39 сўм.

"Тил ва адабиёт таълими" журнали таҳририяти.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Замира Тулаганова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1246. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6